www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 14-aprel № 47 (2928) payshanba

Insonga naf keltirish – oliy baxt

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Моҳият

**Ким бўлса ҳунарсиз иши — ўқ ранжи эрур, Бу вожҳ ила ҳунари ганжи эрур.**

Алишер НАВОИЙ

## Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

# Битирувчиларга иш тайин

**Муайян корхона ва иш берувчиларни турдош коллежларга бириктириш тажрибасини, доимий амал қиладиган «корхона — коллеж» ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим. Шу бугундан эътиборан бўлажак ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилашга киришиш, коллеж ўқувчиларининг амалиётни бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этиш, бошқача айтганда, уларнинг аниқ бир иш жойига бириктириб қўйилишини таъминлаш зарур.**

*Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан*





***Муборак саноат касб-ҳунар коллежида 1 минг 689 ўқувчи нефт ва газни қайта ишлаш, электр ва назорат ўлчов асбобларини монтаж қилиш ва таъмирлаш, транспорт воситаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, бухгалтерия ҳисоби, молия, компьютер оператори каби ўн йўналиш бўйича касб сирларини ўрганмоқда.***

Коллеждаги физика, химия, биология, умумэлектротехника лабораторияси ва лингафон хоналари замон талаблари даражасида жиҳозланган. Бу ерда автомобилларнинг тузилиши ўқув лабораторияси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва пайвандланган конструкциялар ишлаб чиқариш ҳамда тикувчилик устахоналари ҳам ташкил этилган.

Коллеж битирувчилари «Муборакнефтгаз», Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Муборак иссиқлик электр маркази», «Муборакнефтгазмонтаж», «Қашқадарёавтотеххизмат» каби салоҳиятли субъектларда амалиёт ўтаб, билим ва кўникмаларини ошириш имкониятига эга. Ўтган йили коллежни битирган 398 ёш мутахассиснинг 381 нафари бугунги кунда доимий иш билан таъминланган. Жорий ўқув йилида 517 битирувчининг барчасини ишга жойлаштириш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан уч томонлама шартнома тузилган.

**СУРАТЛАРДА:** *(чапдан) Коллеж тикувчилик устахонаси таълим устаси Юлдуз Жумаева ўқувчи Мафтуна Санаева билан; Автомобил тузилиши лабораториясида.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар**

***«Ўзавтотеххизмат» очиқ акциядорлик жамиятининг жойлардаги корхоналари томонидан етук мутахассислар тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш мақсадида касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Акционерлик жамиятида амалиёт ўтаётган талабалар учун барча зарур шароитлар яратилган. Амалиётчилар замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда миллий ва хорижий автомобилларга техник хизмат кўрсатиш сирларини ўрганишяпти.***

# Устоз тавсияси — асос

Жамиятимиз таркибида 18 та автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш корхонаси мавжуд. Мамлакатимиз вилоятларидаги 53 та касб-ҳунар коллежи билан шартномалар тузганмиз. Унга асосан ҳар йили 5000 га яқин 2-, 3- курс талабалари корхоналаримизда амалиёт ўтайди. Амалиётчилар корхонанинг ички тартиби, техника хавфсизлиги қоидалари билан таништирилгач, уларга махсус кийим-бош ажратилиб, алоҳида мутахассис ва таъмир техникаси устасига бириктирилади.

Қобилиятли, меҳнаткаш талабаларни ишга қабул қиляпмиз. Бунда «Уста-шогирд» тизимининг афзалликларидан унумли фойдаланиляпти. Амалиёт якунида ҳар бир мутахассис ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун ўз шогирдларига тавсиялар беради. Тавсиялар асосида танлов эълон қилинади. Ғолиблар ишга қабул қилиниши билан бирга, уларнинг устозлари ҳам рағбатлантирилади. Ўқув масканлари билан бевосита алоқа ҳам йўлга қўйилган. Вакилларимиз коллеж кутубхоналарининг керакли адабиётлар билан таъминланганлиги, ўқув жараёнлари, ўқитувчиларнинг савиясини ўрганиб боради. Тез-тез ўқитувчилар, талабаларнинг ота-оналари билан учрашув ўтказилиб, жамиятимиз раҳбариятига ҳисобот топширади.

Жойлардаги корхоналаримиз томонидан 2011 йили 300 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш ва уларга коллеж битирувчиларини жалб қилиш режалаштирилган. Бу янги ташкил қилинаётган «Агротехсервис» — қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган корхоналар тизими ҳисобидан амалга оширилади.

**Б. СИДИҚОВ,**
**«Ўзавтотеххизмат» ОАЖ бошқаруви раиси**

# «Истиқлол ёшларига ҳавасим келади...»

***Олтинкўл иқтисодиёт коллежи ҳовлисида яшнаб турган манзарали дарахтлар, гулларни кўриб дилинг яйрайди, бундай масканларда таълим олаётган истиқлол ёшларига ҳавасинг келади. Бу йил касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳамиджон Исроилов бошчилигида «Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига йигирма туп кўчат — менинг туҳфам» ташаббусига жавобан ҳар бир талаба ва ўқитувчилар шижоат камарини маҳкам боғлаганликлари шундоқ кўриниб турибди. Коллеж ҳудудида бўш жой қолмагач, туташ маҳаллалардаги ариқлар бўйига турли — оқ, қизил, пушти, сариқ рангда очиладиган атиргуллар экилди, бўш ётган ерларда боғ яратилди. Кўчатлар парвариши эса талабалар гуруҳларига бириктирилди. Улар дарсдан бўш пайтлари гуруҳ раҳбарлари билан шу боғларга келишади.***

— Бу йил 150 туп мевали, 510 туп манзарали кўчат, жумладан, 25 туп япон сакураси экилди. Талабаларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, табиатга бўлган меҳрини ошириш мақсадида ташкил этилган ёрдамчи хўжалигимизда 4 бош қорамол, 6 сотих ерда 3 та иссиқхона, ўрикзоримиз бор, — дейди коллеж касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳамиджон Исроилов. — Улардан олинаётган даромад эса талаба ва ўқитувчиларни рағбатлантиришга сарфланмоқда. Битта иссиқхонамизда лимон кўчатлари парвариш қилинади. Ўтган йил ундан 500 минг сўм даромад қилинди. Бу йил эса лимонларимиз шиғил тугди, насиб қилса, ҳосил мўл бўлади.

Бугун коллеждаги 1192 нафар ёшлар 86 нафар педагог-ходимлардан бошланғич таълим, хўжаликнинг ҳуқуқий фаолияти, бухгалтерия ҳисоби, аудит, банк иши ва молия мутахассисликлари бўйича таълим олишяпти. Билим даргоҳида ўқув ва лаборатория хоналарининг энг замонавий жиҳозлар билан таъминлангани, адабиётлар, кўргазмали қуроллар, электрон дарсликлар ва техник воситалардан унумли фойдаланилаётгани, дарсда ноанъанавий усуллар жорий этилаётгани туфайли ёшларнинг машғулотларга қизиқиши ортмоқда. Талабалар фан олимпиадаларининг вилоят, республика босқичларида фаол қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб келишаяпти. Бу йилги олимпиаданинг вилоят босқичида коллеж ўқувчиларидан 5 нафари она тили ва адабиёт, математика, амалий география, иқтисодий билим асослари, информатика фанларидан республика босқичига йўлланма олдилар.

Битирувчиларнинг иш билан таъминланиши ҳамиша маъмуриятнинг эътиборида. Банк, солиқ, молия, халқ таълими муассасалари ва туманлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлар билан ҳамкорлик ва уч томонлама шартнома асосида ўтган йили коллежни битирган 310 нафар ўғил-қизнинг 265 нафари иш билан таъминланди, уларнинг 7 нафари таҳсилни давом эттириш учун олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинди.

Бу йил коллежни 306 нафар ёшлар битиради. Шу боисдан ҳозирданоқ коллеж ва тумандаги банклар, молия, солиқ, иқтисодиёт бўлимлари ҳамда 124 та корхона, ташкилот-муассасалар раҳбарияти ҳамкорликда уларни иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Дарвоқе, 48 нафар ўқувчи имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини юритмоқчи эканини билдирган. Талабалар Дилфуза Сиддиқова чеварчилик, Бектемир Қурбонов чорвачилик, Ҳасанбой Шерматов эса паррандачилик билан шуғулланмоқчи.

**Ҳамидулло МАТИСАЕВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари**

*Мусоҳаба*

# Давранинг сўрови қатъий

## Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Бибиражаб Муҳамедова билан суҳбат

***— Бибиражаб Авезовна, мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътибори тобора ошиб бораётганига бевосита гувоҳмиз. Бу ҳам, аслида, мақсад сари ташлаётган қадамимиз илдам эканлигининг исботи. Бундай шароитда касаба уюшма ташкилотларининг ўрни ҳақида нима дейсиз?***

— Истиқлолга эришганимиздан буён мамлакатимизда юритилаётган доно ва оқилона сиёсат, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва аҳиллиги, эртанги кунга ишончи бугуннинг кечадан, эртанинг бугундан нурафшон бўлишини таъминламоқда. Бунда вилоятимиздаги 416 минг нафардан зиёд касаба уюшма аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ҳаёт доимо ҳаракатда. Бошқача айтганда, кечаги меъёр бугунга тўғри келмайди. Бу — ҳар биримиздан изланишни талаб қилади. Шу ўринда Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги ҳамда жорий йил 21 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган маърузалари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи қарорлари айнан янгича ҳаракатланишимизга ўзига хос туртки берганлигини таъкидлашни истардим.

***— Ушбу устувор йўналишлар юзасидан вилоят касаба уюшма ташкилотлари ўз олдига қандай мақсадларни қўйган?***

— Концепциянинг «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини такомиллаштириш» бўлимида Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланиши кўзда тутилади. Шу нуқтаи назардан, меҳнаткашларнинг манфаатини ҳимоялашдаги фаолиятимизда давлат ва жамоат ташкилотлари, иқтисодиёт секторининг барча турдаги бошқарув тизимлари билан ҳамкорликни кучайтиришимиз даркор.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берган вазифалари кўлами ҳам кенг. Унда асосий эътибор Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий қайта ўзгаришлар, юқори технологик замонавий тармоқлар ҳамда ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш сиёсатини изчил давом эттиришга қаратилган. Чунончи, ижтимоий ривожланиш масалаларини кенгроқ ҳал этиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлашнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарурати кўрсатилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, бандликни таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш муаммосини изчил ҳал этиш каби муҳим чоралар кўрилган. Ушу устувор йўналишларнинг сўзсиз бажарилишида биз ҳам бир тану-жонмиз.

*(Давоми 2-бетда)*

*Биз – бунёдкор халқмиз*



# Тадбиркор шифохона қурди

***Балиқчи туманининг Чинобод қишлоғида «Чинобод файз плюс» шифохонаси ишга туширилди. Маҳаллий тадбиркор Нодирбек Тўхлибоев ўз маблағи ҳисобидан 22 ўринли стационар ва поликлиникани қуриб, 40 та иш ўрни яратди.***

Шифохонада неврология, урология, гинекология, кардиология, терапия бўлимлари мавжуд бўлиб, улар тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган.

Янги шифохона қишлоқ аҳлига қулай шароит яратиш билан бирга Андижон — Наманган йўли ёқасида кўзни қувонтирувчи муҳташам масканга айланди.

**«Ishonch» мухбири**
**Абдуносир ҚЎЧҚОРОВ олган сурат**

●Тадбир

*Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши замонавий билимларни чуқур эгаллаётган, интилувчан ва ташаббускор ёшлар ўртасида ҳар йили устама стипендиялар жорий этиб келади. Куни кеча олий ўқув юрти ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва кўп болали оила фарзандларидан 20 нафар талабага стипендияларни топшириш маросими бўлиб ўтди.*



# Эътибор

Тадбирда кенгаш раиси Шуҳрат Деҳқонов ёшларимизга ўқиш ва изланиши борасида яратилган барча шароит, аввало, келажак авлоднинг юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши ҳамда янада фаровон яшашлари учун замин эканини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Сизлар бор эътиборингизни ўқишга қаратишларингиз керак. Негаки, мамлакатимиз ҳар соҳада шиддат билан ривожланаётир. Билимдон тажрибали кадрларга нисбатан талаб ниҳоятда ошиб бормоқда. Демак, тараққиёт локомативининг фаол қатламичи сиз — ёшлар ҳисобланасиз.

Ўқувчи-талабалар таълим масканларида яратилган шароит, ўқув жараёни, «уста-шогирд» анъанаси қай тариқа йўлга қўйилгани ҳақида тўлқинланиб сўзлаб беришди.

Шундан сўнг вилоятнинг турли ҳудудларидаги таълим муассасаларидан ташриф буюрган ўқувчи-талабаларга стипендиялар топширилди.

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

●Пленум

# Танқид — келажак меваси

**Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари IV Пленуми бўлиб ўтди.**

Тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Дилбар Тўхтаева Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги ҳамда 2010 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузалари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшма ташкилотларининг ўрни ҳақида маъруза қилди.

— Концепциянинг мамлакатимиз тинчлиги, ижтимоий барқарорлиги, иқтисодий юксалиши ва халқимизнинг истиқболи билан боғлиқ олтита йўналиш бўйича касаба уюшма ташкилотлари ўз фаолиятини танқидий кўриб чиқиши ва вазифаларни аниқ белгилаб, ҳаракат қилишларини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда, — деди Д.Тўхтаева. — Масалан, соғлиқни сақлаш муассасаларидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уни давлат ижро ҳокимияти органлари олдига олиб чиқиш, таклифлар бериш... буларнинг бари давр талабидир.

Маърузачи касаба уюшмаларида қилинган ишлар билан бирга ҳали қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг ҳам кўплигини куюнчаклик билан айтиб ўтди:

— Қуйи ташкилотлар ишини янада жонлантириш, ҳужжатларни тез ва сифатли тайёрлаш, юқори ташкилотга етказиш мақсадида туман ҳамда шаҳар тиббиёт бирлашмалари касаба уюшма қўмиталарини компютер билан тўлиқ таъминлаш чоралари кўрилди. Аммо асосий камчилигимиз — кўпгина қўмита раислари компютердан фойдаланишни тўлиқ билмайдилар, натижада ёзма маълумотлар тайёрлаш билангина чекланиб қолмоқда.

Бандликка кўмаклашиш борасида вилоят кенгаши томонидан 2010 йилда барча тиббиёт коллежларини битирувчи ёшларни аниқ иш жойига бириктириб қўйиш масаласи ўрганиб чиқилиб, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва коллеж директорлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Лекин ушбу чора-тадбирларни бажариш борасидаги ишлар ҳали етарли эмас. Бунда ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилаш, ўқувчиларнинг амалиётини бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш — касаба уюшмаси олдидаги долзарб масала. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи иш берувчилар ва касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг мурожаатларни кўриб чиқишда ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги сезилиб қолмоқда. Натижада, баъзи соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари шикоят ва аризалари билан вилоят, республика ташкилотларига мурожаат этишга мажбур бўлмоқда.

Жойларда меҳнат муҳофазасига етарли аҳамият берилмаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Меҳнат муҳофазаси Низоми талаблари, жамоа шартномалари тўлиқ бажарилмай, «Техника хавфсизлиги куни» тадбирлари мунтазам ўтказилмаяпти.

Кейинги беш йилда тиббиёт ходимларининг фарзандларини соғломлаштириш учун 4978 та йўлланма тарқатилди. Лекин айрим иш берувчилар томонидан бу масалага етарлича эътибор қаратилмаётгани ачинарлидир.

Ҳар йили «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг ўтказилаётгани ўз самарасини бераётган бўлса-да, иш фаолиятини етарлича тушуниб етмаган бошланғич ташкилотлар раҳбарлари ҳам учраб турибди. Бу борадаги камчиликларни тугатиш мақсадида вилоят кенгаши томонидан бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолларининг доимий ҳаракатдаги ўқуви ташкил этилди.

Пленумда кўрилган барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

●Ўзбекистон касаба уюшма ташкилотларида

# Долзарб вазифалар муҳокамаси

***Айни кунларда жойлардаги касаба уюшма ташкилотларида Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари кенг ўрганилиб, долзарб вазифалар белгилаб олинмоқда.***

***Ана шундай йиғилиш Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашида бўлиб ўтди.***

Унда кенгаш раиси Севара Раҳимова маъруза қилиб, Президентимиз томонидан илгари сурилган масалаларга эътибор қаратди.

Маъруза юзасидан Зангиота туманидаги 40-умумтаълим мактаби раҳбари Мастура Носирова, Бўка туман Таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Фурқат Нурматов, Марказий кенгаш раиси Носирхон Акбаров ва бошқалар сўзга чиқиб, юртбошимиз маърузаларида белгилаб берилган устувор йўналишлар ва тармоқ касаба уюшмаларининг бу борадаги вазифалари ҳақида гапирдилар.

Мажлис иштирокчилари тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш кўламини янада кенгайтириш, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ва бу борада эришилаётган ютуқларни оммага етказишни янада кучайтириш муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

* * *

***Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят вакиллигининг кенгайтирилган мажлисида ҳам Президентимиз маърузалари бош мавзу бўлди. Бу ҳақда Марказий кенгашнинг вилоятдаги вакили Н.Остонақулов маъруза қилди.***

Кун тартибидаги масала юзасидан муҳокамада сўзга чиққан вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси ўринбосари, меҳнат фахрийси Р.Қулмонов, вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси С.Эсонова, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Э.Кўчкинов ва бошқалар жамоат ташкилотлари эл-юрт манфаати йўлида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз кишиларни моддий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

* * *

***Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий кенгаш раиси Ўктам Турғунов маъруза қилди.***

Музокарада «Оҳангаронцемент» очиқ ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Муҳаммадали Дўстбоев, Марказий кенгашнинг Бухоро вилояти бўйича вакили Дилбар Комилова, «Қизилқумцемент» очиқ ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Валерий Фокеев ва бошқалар сўзга чиқиб, касаба уюшма ташкилотлари олдида турган долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш борасида қатор таклифларни ўртага ташлашди.

Йиғилишда тармоқ касаба уюшмасининг навбатдан ташқари VII қурултойини чақириш ҳақида қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбирларимиз**

# Даврнинг сўрови қатъий

**Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Б.Муҳамедова билан суҳбат**

**(Боши 1-бетда).**

***— Аниқ ва истиқболли вазифаларни ҳамкорликда ижро этиш катта самара беради, шундай эмасми?***

— Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида Бош келишувнинг имзоланиши томонлар учун ҳар тарафлама фойдали бўлиб, ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб бериши, шубҳасиз.

Вилоят меҳнаткашларининг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида ҳудудий, яъни вилоят ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ва вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ўртасида уч томонлама келишув амалда. Шунингдек, 3 та республика миқёсида тармоқлараро келишув, 30 та тармоқ-жамоа келишувлар, жумладан, вилоят миқёсида 17 та, туманлар доирасида 13 та келишув қабул қилинишига эришилди. Улар ижроси томонларнинг йилда бир марта ўтказиладиган умумий йиғилишларида муҳокама этилиб, масалалар чуқур таҳлил қилинади.

Тармоқ ходимларининг ҳар томонлама ҳимоясига оид муаммоларни ўрганиш, муҳокама қилиб, камчиликларни бартараф этиш йўлларини белгилаш мақсадида тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгаши ва Марказий кенгашларнинг вилоят бўйича вакилликлари, уларнинг ижтимоий шериклари бўлган бошқарма ҳамда идоралар раҳбарлари билан ҳар ойда бир марта муҳокамалар ўтказиш амалиётини йўлга қўйдик.

***— Айтинг-чи, касаба уюшма ташкилотларида меҳнаткашларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида олиб борилаётган фаолият қониқарлими?***

— Бу борада муайян ишларни амалга ошираяпмиз. Бироқ улар бугуннинг талабига тўлиқ жавоб беради, деёлмайман. Гарчи, кейинги йилларда Бирлашма, тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгаши ва вакилликлари томонидан ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган ишлар кўлами анча ошган бўлса ҳам.

Айнан шунга кўра, асосий эътибор фаоллар ўқувини ташкил қилиш ва шу орқали уларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилмоқда. Жумладан, 2010 йилда 26 та ўқув семинар ташкил этилди. Уларда 1178 нафар касаба уюшма аъзоси иштирок этди. Федерация кенгашининг тегишли қарорларига асосан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес вакилларини соҳа бўйича амалдаги қонунлар билан чуқурроқ таништириш, ажратилган имтиёзли кредитларни олиш ва бошқа ташкилий масалалар юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Бирлашма қошида вилоят тармоқ касаба уюшмалари ҳуқуқшуносларидан иборат «Юридик маслаҳатхона» ташкил этилди. Унда 5 нафар олий юридик маълумотга эга ҳуқуқшунос фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳафта давомида уларнинг навбатчилиги ташкил қилиниб, қабул кунлари жадвал асосида эълон қилинган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ёш тадбиркорларга ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун ҳуқуқий маслаҳатлар беришни кучайтириш чораларини кўрганмиз.

***— Меҳнат муҳофазаси касаба уюшма ташкилотларининг муҳим вазифаларидан саналади. Вилоятда ушбу масалага муносабат қандай?***

— Кўплаб қонунлар, айниқса, Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда касаба уюшмаларига жамоат назоратини олиб боришда катта ваколатлар берилган. Очиғини айтсам, ундан ҳамиша ҳам етарли даражада фойдаланилаяпти, деёлмайман.

Келинг, бу борадаги айрим салбий ҳолатларга эътибор қаратайлик. Жумладан, Пешку тумани «Пахтаобод зилоли» сувдан фойдаланувчилар уюшмасида, «Бухоротаъмир» ишлаб чиқариш корхонаси, «Газлинефтгазқазибчиқариш» унитар корхонаси, Бухоро шаҳар «220-сон КМК» ОАЖ каби ташкилотларда жамоатчилик назорати ўрнатилмагани, техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси масалалари тартиб асосида йўлга қўйилмагани ташвишли ҳолатларни келтириб чиқарган.

Бундай ҳолатларнинг такрорланмаслиги учун чоралар кўрилди. Вилоятда фаолият юритаётган корхона, ташкилот, муассасалар билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик тамойилларини мустаҳкамлаб, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялашга қаратилган туркум конференция, семинар ва давра суҳбатларини ўтказишни бошлаб юбордик. Бир нарса аниқ. Адолат устувор бўлган жойда меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади. Истаймизки, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳар жиҳатдан баракали ва зафарларга бой бўлсин.

**Суҳбатдош: Иззатулла ХОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

●Президент концепцияси ўқуви юзасидан касаба уюшма сиртқи мактаби

# Устувор

***Мустақиллик туфайли ота-боболаримиз орзу қилган эркин ва фаровон жамият қуриш учун барча имкониятларга эришилди ва ўзимизга хос миллий давлатчилик тамойилларига асос солинди. Тарихий нуқтаи-назардан унча катта муддат бўлмаган давр мобайнида халқаро стандартларга мос фуқаролик жамияти қурилишининг пойдеворига тамал тоши қўйилди.***

***1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида демократик қадриятлар, миллий давлатчиликнинг ижтимоий-сиёсий тизими, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ўз ифодасини топди.***

***Конституция ва барча қонунларнинг бош тамойилида бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлатни барпо этиш, ҳар бир инсонга муносиб ҳаёт ва турмуш шароитларини яратиш ғояси мужассам бўлиб, у жамият ҳаётининг барча муҳим соҳалари — давлат, иқтисодиёт, ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий соҳаларини қамраб олган.***

Қабул қилинган ва қабул қилинаётган барча қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция бандларига мувофиқ бўлиши ва унинг талабларига зид бўлмаслик тамойили Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимининг асоси ҳисобланади. Шунга кўра, мустақиллик йилларида мамлакатимизда 15 та Кодекс, 563 та қонун қабул қилинди ва улар бугунги турмушимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий мезонларини тартибга солиб келмоқда.

Шу билан бирга, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатни ислоҳ этиш, модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, янада юқори босқичларга чиқариш талаб этилгани боис демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаш зарурияти юзага келди.

Президентимиз 2010 йил 27 январ куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор вазифамиз» деб номланган маърузасида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш, сиёсий партияларнинг фаолияти ҳамда қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш тўғрисида амалдаги қонунларга ўзгартиришлар киритиш лозимлигига алоҳида тўхталди.

Бундан ташқари, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилишни ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёни билан ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминлаш, ислоҳотларни амалга оширишга халақит бераётган камчилик, нуқсонларни очиқ муҳокама этиш, парламент назоратини кучайтириш, давлат тузилмалари раҳбарларининг қонун ҳужжатлари ижроси бўйича ҳисоботларини эшитишга диққат-эътиборни қаратди.

Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябр куни Парламент иккала палатаси қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» тўғрисидаги маърузаси йил бошида қўйилган вазифалар билан якдил бўлиб, бу йўналишдаги масалалар ягона концепция тарзида ислоҳотларни тезлаштириш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, сўз эркинлиги кафолатларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти эркинлигини таъминлаш бўйича туб ўзгартиришларни амалга ошириш, яъни амалдаги қонунларга ўзгартиришлар киритиш, мукаммаллаштириш, янги қонунларни қабул қилиш билан мамлакат ривожини янги поғонага олиб чиқадиган улуғвор йўналиш эканлиги билан характерлидир.

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, қонун устуворлиги, сўз эркинлиги, фуқароларнинг шахсий эркинлигини таъминлаш механизмини мустаҳкамлаш нафақат давлат органлари, балки жамоатчилик, барча фуқароларнинг вазифаси ҳамдир.

«Менинг ушбу жараёнларда иштирок этишим ёки этмаслигим билан ҳеч нарса ўзгармайди», дейдиган баъзи фуқаролар ўз-ўзидан ҳеч нарса ўзгармаслиги, ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан фойдаланиб жамият ишида фаол қатнашмаса, четга чиқиб қолишни, ҳаёти кўнгилдагидек кечмаслигини тушуниб етиши зарур.

Бу борада аҳолининг сиёсий онги, савияси, дунёқараши ва ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим бўлиб, унда сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари ташаббусни қўлга олишлари талаб этилади.

Албатта, фуқаролик жамиятини шакллантириш узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, аввало одамларнинг тафаккурида демократик қадри-

Омон бўлинг,
# МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 14-aprel № 47 (2928)

«Баркамол авлод – 2011»

**Ҳар бир ота-она фарзандларининг соғлом, жисмонан бақувват, етук инсон бўлишини хоҳлайди. Спорт мураббийи сифатида, ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб, шуни эътироф этаманки, ўғил-қизларимизни, энг аввало, спортга жалб этишимиз керак. Бинобарин, спорт инсонни камолот ва эзгуликка ундайди.**

## Ишончни оқлаш керак

Йиллар тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, юртимизда босқичма-босқич тарзда ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги спорт мусобақалари кўплаб ўғил-қизларимиз истеъдодларини намойиш этишда муҳим омил бўлмоқда.

Мисол учун, Нукус шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод» мусобақаларининг енгил атлетика тури бўйича иштирок этган Сурхондарё вилояти қизлари кўплаб совринли ўринларни қўлга киритишди. Бинобарин, бу галги беллашувларда мезбон сифатида иштирок этар эканмиз, ҳар жиҳатдан барчага ибрат бўлишимизга тўғри келади.

Ёшлар спорт байрамида 18 нафар шогирдим Сурхон воҳаси шаънини ҳимоя қилади. Улар Термиз шаҳридаги вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг «Алпомиш» ўйингоҳида ҳар куни икки маротаба ўз маҳоратларини ошириш учун астойдил шуғулланишяпти. Бунинг учун вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раҳбарияти барча шарт-шароитларни яратиб берган. 4 маҳал овқат, сауна, ётоқхона, кийим-бош, спорт жиҳозлари билан таъминлаган.

Очиғи, «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларини интизорлик билан кутаяпман. Чунки, шогирдларимнинг ғолиблик шоҳсупасидан жой олишини кўрсам, дейман.

**Наталья ХОЛОДОВА,**
**енгил атлетика бўйича мураббий.**
*Сурхондарё вилояти*

Касаба уюшма спорти

# Ўрнак бўлайлик

**Чирчиқ шаҳрида жойлашган Олимпия захиралари спорт коллежида икки кун мобайнида (12-13 апрел кунлари) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар ходимлари ўртасида республика спартакиадаси бўлиб ўтди.**



Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг самарали омиллари қўлланаётган ва бунёдкорлик ишлари давом этаётган ҳозирги давр қайси соҳа бўлишидан қатъи назар барчамиздан ташаббус кўрсатишни, соғлом ва бақувват авлодни тарбиялаш йўлида куч-ғайратимизни сафарбар этишни, ўзимиз ҳам спорт билан шуғулланиб, кўпчиликка ўрнак бўлишимизни тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, спорт билан мунтазам шуғулланган, чиниққан ходим ўз иш фаолиятида ҳам соғлом фикрлайди, янги ғоя ва ташаббусларни илгари суради.



Мусобақада Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан 50 нафарга яқин иштирокчи спортнинг мини футбол (чим майдонда), енгил атлетика (комплекс машқларни ўз ичига олган ҳолда), стол тенниси, шахмат ва шашка каби турлари бўйича баҳслашдилар.

Иштирокчиларнинг ёш тоифаларига бўлингани, профессионал ҳакамларнинг таклиф этилгани мусобақаларнинг қизғин кечишида муҳим рол ўйнади.

Биз спартакиада қатнашчиларидан айримларини суҳбатга тортдик.

***Йўлчибой Раҳимжонов, енгил атлетика бўйича эркаклар орасида 1-ўрин соҳиби (Тошкент шаҳри):***

— Республика спартакиадасида иштирок этишнинг бир ажойиб томони бор: турли вилоятлардан келган, касаба уюшмаларида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимиз билан танишамиз, ўзаро фикр алмашамиз. Бундай спорт тадбирлари саломатлигимизни мустаҳкамлашда ҳам муҳим омилдир. 52 ёшимда граната отиш, югуриш, сакраш, футбол ўйнаш, дўстлар орттириш — ғолиб бўлишдан ҳам мароқли. Бундай спартакиадаларнинг тез-тез ўтказилиши фақат фойдамизга хизмат қилади.

***Асфандиёр Абдуллаев, шахмат бўйича эркаклар ўртасида 1-ўрин соҳиби (Сирдарё вилояти):***

— Одатда бундай тадбирларни ўзимиз ташкил этамиз. Лекин мусобақаларда қатнашишнинг завқи бўлакча. Яратилган шароитлар ҳам юқори даражада. Мусобақада иштирок этиб, ҳам соғлиғимизни мустаҳкамладик, ҳам мароқли ҳордиқ чиқардик, деб бемалол айта оламан.

***Роҳатой Норбўтаева, шашка бўйича аёллар ўртасида 1-ўрин соҳибаси (Жиззах вилояти):***

— Давлатимиз томонидан аёллар саломатлигига берилаётган катта эътибор барчамизни бирдай хушнуд этмоқда. Қишлоқ жойларидан ҳам дунёга машҳур чемпион қизларимизнинг етишиб чиқаётгани ана шу эътибор самарасидир. Бугунги мусобақадан бир олам таассурот билан қайтаяпман. Бундай тадбирлар ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзининг қарор топишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ғолиб ва иштирокчилар фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**А. АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

Тиббиёт

***Сиз суратда кўриб турган чақалоқнинг дунёга келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳатто кўзлари ҳам очилмаган. Лекин мана шу миттигина жон йиғлашни, очиққанини эслатиб қўйишни билади. Унинг йиғиси ҳеч кимни безор қилмайди, аксинча, юракларга ҳузур бағишлайди. Чунки у — миллат давомчисидир.***



# Фарзанд — миллат давомчиси

Пахтакор туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туғруқ бўлими юртимиз мустақилликка эришган илк йилларда янги бинога кўчиб ўтгани боис, бу масканда меҳнат қилаётган ҳар бир инсон ўша кунларни энтикиб ёдга олади. 40 ўринга мўлжалланган туғруқ бўлимида 5 та шифокор, 32 нафар ўрта тиббий ходим ва 20 нафар кичик тиббий ходим фаолият олиб бораётир.

— Бизнинг муассасамиз 2010 йили болаларга дўстона муносабатда бўлиш ҳамда кўкрак сути билан боқиш бўйича 11 та тамойилга амал қилувчи муассаса, деб тан олинди ва ЮНИСЕФ томонидан сертификат билан тақдирланди, — дейди катта ҳамшира Илтижо Жабборова. — Муассасамиз зарур аппаратура ва ашёлар билан тўлиқ таъминланган. Ҳомиладор аёлларга соғлом турмуш тарзи асослари, репродуктив саломатлик бўйича тушунтириш ишлари ҳамда ёш оналарга туғиш оралиғи уч йилдан кам бўлмаслиги ҳақида тушунтиришларимиз ўз самарасини бера бошлади. Аввал бу ерда 1 та туғруқ зали бор эди. Ҳозир уларнинг сони 5 тага етган. Бир кунда 2-3 нафар чақалоқ туғилса, бир ойда уларнинг сони 70-80 тага боради.

**Абдували Қосимов, олий тоифали акушер-гинеколог:**

— 1988 йилдан бери ишлаб келаман. Халқ хизматида эканлигимдан, кўплаб чақалоқларнинг дунёга келишида ҳиссам борлигидан қувонаман. Энг муҳими, мамлакатимизда тиббиёт кундан-кунга ривожланаяпти. Бугун, илгари хаёлга ҳам келмаган ҳолат — ҳозир туғиш жараёнида ҳомиладор аёлнинг бирор яқини иштирок этиши мумкин. Чунки бу нарса аёлга ишонч беради. Бола туғилгач эса, у дарров онасига берилади. Сабаби, она меҳри боланинг онага, шу тариқа она заминга бўлган муҳаббатини оширади. Она сути қанча эрта берилса, шунча яхши. Боланинг иммунитети ошиб, унинг ақлан ва жисмонан бақувват бўлишига ёрдам беради. Туманимизда она ва болалар ўлимининг кейинги ўн йилликда деярли қайд этилмаганлиги қувонарли ҳолдир. Бу ҳам бўлса, давлатимиз томонидан она ва бола соғлиғига катта эътибор қаратилаётганлигининг исботидир.

— Бир фарзанд — бир дарахт, бир дарахт — бир фарзанд демакдир. Биз ҳам мана шундай табаррук масканда меҳнат қилаётганимиз учун яхши ниятда шифохонамиз атрофига анор, олча, тут, жийда, шафтоли, тол ва бошқа хилдаги мевали ва манзарали дарахтлардан 1000 туп экдик, — деди ғурур ила Абдували Қосимов суҳбатда. — Бу ниҳоллар бир кун келиб катта дарахт бўлади. Бу ерда туғилган чақалоқлар эса юртни янада обод қилгувчи азамат йигит-қизлар бўлиб етишади. Ўша кунлар келганда, балки бизлар анча кексайиб қолармиз. Аммо ўз қўлларинг билан экқан дарахтнинг мевасидан баҳраманд бўлиш қандай яхши. Бундан ортиқ бахт борми, дунёда?

**Назира БОЙМУРОДОВА.**
**Муаллиф олган суратлар**



Табиат ва биз



**Боғимиздаги кичкина шийпон пахсадан кўтарилиб, устига шохшабба ташлаб ёпилган. Шу жой қулай шекилли, ёзда биз кўчиб келгунча илонлар икки-уч бор пўст ташлаб кетади. Болалар ҳам бунга ўрганиб қолган. Ўзимизнинг илон, деб хотиржам бўлишади.**

## Ўзимизники

Кўчганимизга ўн-ўн беш кун ўтсаям илон қорасини кўрсатмайди. Олти ой бўш ётадиган шийпонда «ижарага» яшаган илон, эгасиям уч-тўрт ой тинч яшасин, деб нарироққа кўчиб ўтади, чоғи... Бир куни хона бурчагидаги қўлбола стол устига қўйилган телевизорга термулиб ўтиргандик. Хона шифтида нимадир қимирлагандай бўлди. Қарасам, қамчи ўримидай чипор илон. Шифтдан икки қарич пастга осилганча, ингичка бошини кўтариб экранга қараб турибди. Уям зерикса керак-да?... Кейинчалик шинаванда илон телевизорда кечки концерт бошланиши билан чиқиб келадиган, концерт тугагандан кейин ғойиб бўладиган одат чиқарди. Қарс икки қўлдан чиқади. Сен бировга тегмасанг, биров сенга тегмайди, деганлари шумикин-а?...

## Калтамор

Нажмиддин ака ўчоқ қазиётган пайтда тупроқ орасидан чиқиб қолган калтамор (кўлвор ҳам дейишади) илонни эҳтиётлик билан тутди-да, шишага солиб, оғзини қоғоз билан бекитганча, омборхона бурчагига ташлаб қўйди.

Біровдан эшитгани бор эди: бу илоннинг турган-битгани ёғ, шишада ётиб ўлади-да, ёғи ажралиб қолади. Уни олиб қўйса, ёмон ярага даво бўлармиш. Орадан бир йилдан кўп вақт ўтди. Бир куни юмуш билан омборхонага кирган қизалоқ қичқириб, қочиб чиқди.

— Дада, дада, шишадаги илонингиз чиқиб юрипти.

Нажмиддин ака қараса, ўша калтамор, чўпдай орик. Ўзини-ўзи еб қўйган илон, билтанглаб, ковак қидирарди. Уни қайтариб шишага солишга кўнгли бўлмади...

**Ғози РАҲМОН**

Кўргазма

# Анъана ва замонавийлик

Асрлар давомида шаклланиб келган халқ амалий ҳунармандчилик санъатига мустақиллик йилларида катта эътибор берилди.

Республика Бадиий академияси, «Ҳунарманд» уюшмаси, Бадиий кўргазмалар дирекцияси иштирокида ўтказилаётган «Қайта тикланган ҳунар» анъанавий халқ ҳунармандчилиги санъат фестивали доирасида ташкил этилган кўргазма санъат ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинди.

Кўргазмадан муносиб ўрин олган риштонлик уста кулоллар И.Комилов ҳамда А.Назиров томонидан яратилган лаган, кўза ва ранг-баранг буюмлар, идиш-товоқлар, шунингдек, ёғоч ўймакорлиги усталари Т.Файзуллаев, Ф.Аҳмаджонов томонидан тайёрланган лавҳалар, безакли қутича, панжара, қаламдон, декоратив ваза ҳамда кўп қиррали курси ва хонтахталар кўзни қувонтиради.

Уста кулол А.Нарзуллаев ота-боболар анъаналарини изчил давом эттириб, янгича маъно-мазмун бағишлаб ижод қилганлиги унинг ранг-баранг санъат асарларида шундоқ кўриниб турибди.

Миниатюра, нафис-мўъжаз санъати намуналарини гўзал, ноёб кўринишларда тақдим этган К.Абдуллаев ҳамда Н.Пўлатованинг «Миллий композициялар» деб номланган ажойиб тасвири бадиийлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Кўргазмада кенг намойиш этилаётган кандакорлик, каштачилик, дўппидўзлик, сўзана, зардўзи намуналари, замонавий керамика, сават тўқишга оид ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳам эътиборга лойиқ. Улар мамлакатимизнинг турли вилоятларида яшаб ижод қилаётган усталарнинг ўзига хос бетакрор услублари ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

Е.Ивановaнинг «Фарҳод бозори Наврўз олдидан», Б.Обидованинг «Ургутда баҳор», «Наврўзда келин салом», Х.Санаевнинг «Баҳор», М.Шуваловaнинг «Нигоҳ», Шоирахоннинг «Мойчечак», «Настарин», Х.Султоновнинг «Гуллар», Р.Ризамуҳамедовнинг «Баҳорий кун» каби асарларида эса кўклам таровати ўз аксини топган.

Кўргазмада ёш ижодкорлар учун кенг имконият яратилган. Навқирон мусаввирлардан андижонлик Д.Матбоеванинг «Портрет», «Натюртморт», Тошкент вилояти вакиласи С.Мамурбоеванинг «Ватандан жудо», «Зулфия қуёши», хоразмлик В.Азизованинг «Қадимий санъат», «Маҳалла», «Ойдин йўл» номли асарлари мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

15 апрелгача давом этадиган кўргазма пойтахтимиз меҳмонлари ва барча санъат ихлосмандлари дилига баҳорий кайфият олиб киради, деб ишонамиз.

**Баҳром ТОЖИЕВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлари уюшмаси аъзоси**

Insonga naf keltirish – oliy baxt
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
Sh. Abdusamadov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -19.20

Буюртма Г — 451

20513 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 3 4 5